



Масару ИБУКА

УЧ ЁШДАН СЎНГ КЕЧ
Давоми. Боши ўтган сонда.

Хаттоки беш ойлик бола Бахни баҳолай олиши мумкин

“Сони” фирмаси корхоналарнинг бирида болалар боғчаси ташкил этилган эди. У ерда болалар қайси мусиқани яхши кўришларини аниқлаш учун тажриба ўтказилди... ва кутилмаган натижаларга эришилди. Болакайлар учун энг ёққан мусиқа Бетховеннинг 5-симфонияси бўлди. Телевизор орқали эрталабдан кечгача берилаётган ашулалар 2-ўринга тушди, болаларнинг ашулалари эса учинчи ўринни эгаллади!

Гўдаклар классик мусиқани энг қизиқарли деб топишди, биз катталар эса аксарият ҳолатларда уларни бундай мусиқадан узорқроқ ушлашга ҳаракат қиламиз. Нега биз фарзандларимизни мураккаб симфонияга баҳо бера олмайди, деб ўйлаймиз? Профессор Шиничи Сузуки беш ойлик чақалоқларга Вивальди концерти ёқишини аниқлаган. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Классик мусиқа ихлосмандлари бўлган ёш ота-она ўзларининг янги тўғилган чақалоқларига ҳар куни 2-3 соатда Бахнинг 2 сюитасини эшиттиришган. Уч ойдан сўнг чақалоқ мусиқага монанд ҳаракатлана бошлаган. Мусиқа ритми тезлашганда унинг ҳаракатлари ҳам тезлашган. Мусиқа тугаганда эса у ўз норозилигини билдирган. Бола йиғлаганда онаси мусиқани кўйиши билан у тинчланган. Бир куни классик мусиқа ўрнига жаз кўйилганида эса у бақириб йиғлай бошлаган. Чақалоқ томонидан мураккаб мусиқани қабул қилишнинг ўзи сирли ҳодиса. Болага қанчалик кўпроқ классик мусиқа эшиттирилса, у келажакда гўзаллик шунча ошно бўлади.

Олти ойлик чақалоқ суза олади

Кўпчилик катталар сузишни билмайдилар. Чақалоқни эса осонгина сузишга ўргатиш мумкин. Ҳали юришни ўрганмаган чақалоқ ерда туришга интилгандек сувда ҳам туришга ҳаракат қилади. Бир неча йил олдин Де Бенесейл исмли белгиялик чақалоқлар учун сузиш мактаби ҳақида ўқиган эдим. У уч ойлик чақалоқни сув ҳавзасида орқа билан сузишга, 9 ойлигида эса

сувда тўғри нафас олишга ўргатиш мумкинлиги ҳақида ёзган эди. 1965 йилнинг август ойида Токиода бўлиб ўтган Аёл атлетлар халқаро конференциясининг раиси Ризе Дим бир ёшгача бўлган болаларни сузишга ўргатиш усуллари ҳақида сўзлаб берган эди. Унинг гаплари ўша пайти сенсациядек туюлди. Миссис Дим биринчи мартаба беш ойлик чақалоқни 32 °С ҳароратга эга бўлган сувга туширган ва уч ойдан сўнг у мустақил равишда 6 дақиқа давомида суза олган. Сўнгра сузиш давомийлиги 8 дақиқа 46 сонияга етган. Миссис Димнинг фикрича, “бола ерда юришдан кўра, сувда ўзини қандай тутишни яхшироқ билади. Сувга тушар экан, у нафасини бир муддат ушлаб туриб, кўзини юмади ва қўл-оёқларини ҳаракатлантиради”. Миссис Дим анжуманда инсоннинг иқтидори ва имкониятларини бир ёшга қадар ривожлантириш зарурлиги хусусида кўп гапирган эди. Сузиш, бу – бола имкониятларини ривожлантиришнинг бир усули, холос. У иштаҳани очади, уйқуни мустаҳкамлайди, рефлексларни кучайтириб, мушакларни ўстиради.

Бола мияси чексиз ахборотни қабул қилиши мумкин.

«Ака ва сингил тилшуносликда даҳолардир. Улар инглиз, испан, италия, немис ва француз тилларида шунингдек ўзларининг “жаҳлдор ота”ларининг тилида ҳам бемалол сўзлаша оладилар.

“Жаҳлдор ота” сарлавҳаси билан чоп этилган мазкур мақолада мистер Масао Кагата ва унинг тарби усули ҳақида сўз юритилади. У ўз ишини ташлаб, ҳаётини фарзандлари тарбиясига бағишлаган. Ўша пайти унинг ўғли икки ярим ёшда, қизалоғи эса уч ойлик эди. “Мен уларни барча тилларда сўзлашишга ўргатишни бир пайтда бошладим, дейди мистер Кагата. Радиодан француз тилида сўзлашишга ўргатадиган дарсларни аксарият ҳолатларда инглиз тилида тушунтиришади. Шунинг учун ҳам мен ўқитиш методини бирлаштиришга қарор қилдим. Ўша пайтлари болаларим пианино чалишни ўрганишаётган эди. Ноталар итальян тилида, унинг таржимаси немис ва француз тилларида бўлганлиги боис тил ўрганиш муҳим эди. Чунки улар бошқа тилда битилган қоидаларни тушунишмаса, музикани чала олмасдилар. Бу фарзандларимга тилларни бараваракай ўргатишимнинг асосий сабаби бўлиб хизмат қилди.

Мендан кўпинча болалар бараваракайига тилни ўрганишда чалкашиб кетишмадими? – деб сўрашди. Фикримча, йўқ. Биз хорижий тилларни ўрганиш билан фақатгина радио орқали шуғулландик. Эшиттиришларни олиб бораётган бошловчилар ҳар бир сўзни аниқ, секинлик билан қайтаришади. Болалар ўзи гапиришни бошлашганларида, сўзларни тўлиқ талаффуз қилишни ўрганишди”. («Эрта ривожланиш», май 1970).

Биз болаларга кўп ахборот беришимиздан хавотирланмаслигимиз керак, балки унга берилаётган ахборот, аслида, жуда ҳам камдир.

Бола фақат ўзини қизиқтирган нарсасинигина ёдда сақлаб қолади.

Бола мияси ривожланиш босқичида механик равишда унга қуйиладиган барча нарсани ютиб юборадиган машинага ўхшайди. Унга ахборот юкланади, аммо бола унинг моҳиятини тушунмайди. Аммо вақт ўтиши билан бола мустақил қарор қабул қилишга ўрганади, яъни унинг тушуниш ва таҳлил қилишга оид мия соҳаси ишлай бошлайди. Мазкур жараён уч ёшлар атрофида юз беради. Гўдак унга қизиқ бўлган барча маълумотни “ютиб” юборади. Шу билан бирга, у бирор нарсани яратиш, бажариш иштиёқида ёнади. Буларнинг барчаси боланинг ақлий салоҳати, феъл-атворининг шаклланиши учун зарур. Сиз болангизга эртаклар ўқиб берасиз. У эртакнинг маъносини тушунмасада кўп бора эшитиб, сўзларни ёдлайди. Қайта хато билан ўқисангиз, дарҳол уларни илғаб олади. Кейин у ўзи эртакни ўқигиси келади. Алифбени билмасада, эшитганларини китобдаги суратлар билан солиштириб, уни “ўқийди”. Айнан шу даврда у ҳарфларни ўрганишга интилади.

Кўпгина кўникмалар болаликда шаклланмаса, кейин ҳеч қачон шаклланмайди.

Иш юзасидан мен кўп ҳолатларда инглиз тилида сўзлашаман. Аммо мен доимо талаффузимдаги хатолардан хижолат чекаман. Албатта, менинг “япон-инглиз” тилидаги талаффузимни суҳбатдошим тушунади. Аммо кўпинча, мен айтган гапимни у яхшилаб тушуниб олиши учун яна қайтараман. Аммо бир ёшу икки ойлик бўлган кўшни болакай инглиз тилидаги сўзларни тўғри талаффуз қилади. Кўпинча японларга [p] ва [л] ҳарфларини талаффуз қилиш қийин. Мен инглиз тилини ўрта мактабда ўрганишни бошлаган эдим, кўшни болакай эса инглиз тилини япон тили билан бирга ўргана бошлаган. Шунинг учун ҳам уч ёшгача бўлган ўзга тил гўдакка ўргатилса, ҳар қандай тилда ўз она тилидек сўзлаша олади. ушбу даврни ўтказиб юборсангиз, кейин болага тил ўргатиш анча қийин бўлади. Эрта ривожланишда нафақат хорижий тил, балки мусиқани, сузишни, турли хатти-ҳаракатни ўргатиш мумкин. Унда айнан шу пайти атрофни эстетик қабул қилиш шаклланади.

Эшитиш қобилияти бузилган болаларни ҳам эшитишга ўргатиш мумкин.

Шу пайтгача мен ривожланиши расо болаларнинг яширин имкониятлари ҳақида гапириб келдим, аммо дунёда жисмоний ривожланишида нуқсони бор болалар ҳам кўп: полиомиелит билан касалланган, ақлий ривожланишда орқада қолган, кар, соқов. Эрта

ривожланиш уларни ҳам четлаб ўтмаслиги лозим. Айнан эрта ривожланиш техникаси улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиши керак.

Мен сизларга кар бола ҳақида сўзлаб бермоқчиман. У кар бўлиб туғилди, аммо кейинчалик ота-онасининг ҳаракати натижасида суҳбатларда мустақил қатнаша бошлади. Ацудо ҳозир 6 ёшда. У бир ёшга тўлганида унинг ота-онаси фарзандлари эшитмаётганини сезиб қолишди. Бир ярим ёшда уни шифокорга кўрсатишди. Шифокор дастлаб унга ўз исмини ажрата олишни ўргатди. Кейинчалик доктор сўзларнинг мазмунини тушунтирди. Доктор Мацузаванинг фикрича, уч ёшгача кар болани эшитишга ўргатиш мумкин. “Фақат чақалоқнинг онасигина унда бирор камчилик борлигини сезиши мумкин. Янги туғилган бола бир ҳафтадан сўнг қаттиқ товуш, шовқинни эшитади. Бир неча ойдан сўнг у ўз онасининг овозини, тўрт ойда эса исмини фарқлайди. Агарда чақалоқ қаттиқ товушларга эътибор бермаса, ўз исмини билмаса, демак, унинг эшитиш қобилияти жойида эмас. Уч ёшда бола катталар ишлатадиган жуда ҳам кўп сўзларни билади. Шунинг учун ҳам сўзларни тўғри талаффуз қилишни болага қанча эрта ўргатилса, унинг тили шунча тез чиқади, ақли бутун бўлади, эшитиш қобилияти тикланади. Болаларни шовқиндан асрамаслик керак. Мутлақо кар бола ҳам эшитмайди, деган тушунча нотўғри. Агарда чақалоқ доимо товушларни эшитса, унда эшитиш қобилияти тез ривожланади”, – деб ёзади доктор. Демак, ота-онанинг ҳаракати, тўғри ўқитиш эшитишдаги жиддий нуқсонни бўлган болаларни ҳам ҳаётга қайтариши мумкин.

Эрта болаликдаги тасаввурлар боланинг кейинги ҳаракатлари ва фикрларини белгилаб беради. Агарда сиздан гўдаклик хотираларингизни сўзлаб беришни сўрашса, ҳеч нарса эслай олмайсиз, тўғрими? Бирор нарсани эсласангизда, у, аввало, сизга ўша воқеа ҳақида сўзлаб берган онангиз, ёхуд яқинларингиз хотираларидир. Шундай бўлса-да, уч ёшгача бўлган ҳар қандай тасаввур, тажриба инсонни шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Жаноб Мориатсу Минато, Никко тадқиқотлар марказининг президенти Хитойда туғилиб, гўдаклиги ўша ерда ўтган. Унинг оиласи Японияга кўчиб келгач, у ҳеч қачон хитой тилида гаплашмаган ва хитой тилини унутдим, деб ўйлаган. Аммо йиллар ўтиб, Хитойга иш билан келганида Мориатсу Минато бирданига хитойча сўзлай бошлаган. У тилда эркин гапириб, ҳамкорларини ҳайратга солган. Бу воқеа эрта ёшликда олган билим бир умр инсон онгида муҳрланишини кўрсатади.

Гўдакка нима фойдали?

Шу пайтгача мен бола учун ташқи таъсирнинг аҳамияти ҳақида гапириб келдим. Аксарият оилаларда, хусусан Японияда ҳам бола тарбияси билан она

шуғулланади. Демак она биринчи галда ўзининг бор билим ва маҳоратини ишга солиб, боланинг тўғри шаклланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ҳар доим мен болани яхши мусиқа ва рассомчилик санъати асарлари билан ўрашни маслаҳат берганимда, оналар кимнинг асарини танлаш лозимлигини сўрашади. Бетховен ёки Моцарт? Ван Гог ёки Пикассо? Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, биз албатта аниқ маслаҳатлар берамиз. Кўп ҳолатларда одамлар тайёр рецептларни қидиришади. Аммо тарбияда тайёр формуланинг ўзи йўқ. Она ўз боласига нимани раво кўрса, ўшани бериши лозим. Бола уч ёшида боғчага, олти ёшида мактабга боради. Бу умумқабул қилинган тизим бўлиб, гўдакнинг табиий ривожига ҳалақит беради. Японияда таълим ҳар бир ёш учун мўлжалланган тизимдан иборат. Эрта ривожланиш эса деярли эътиборга олинмаган. Бу хатони зудлик билан тузатиш зарур.

Бола билан “унинг тили”да гаплашманг.

Таҳминан икки –уч ойлигида чақалоқ жилмайиб, овоз чиқара бошлайди ва атрофда содир бўлаётган нарсаларни эсда олиб қолади. Ота-она бола билан туғилганиданок катта одамдек сўзлашиши унинг интеллектуал ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Мисол. Ёш оила бир хонали уйда яшашар эди. Бола туғилгач, онаси доимо унинг ёнида бўлиб, зерикмаслик учун у билан кун бўйи гаплашарди. Тез орада оила уч хонали уйга кўчиб ўтади ва уларнинг иккинчи боласи туғилади. Чақалоққа ошхонадан узоқроқ, тинч хона ажратилади. Оиланинг катта фарзанди 7 ойлигида гапира бошлаган бўлса, унинг синглиси бир ёшида ҳам тўлиқ овоз чиқара олмаган. Бола катта бўлиш жараёнида унинг ота-онаси ва яқинлари у билан “бола тили”да гаплашишга ҳаракат қилишади. Бу нотўғри. Чунки боланинг ақли бутун бўлиб, сўзларни тўлиқ айта олмаганлиги унинг сўзлашув органлари тўлиқ шаклланмаганлигидандир. Бола билан қанча тўғри гаплашилса, унинг тили шунчалик тез ва тўлиқ чиқади.

Бола ота-онаси уришганини сезади.

Боланинг юзидан ота-онасининг уришганлигини дарҳол сезиш мумкин. Унинг юз ифодаси нотинч бўлиб, у доимо йиғлайди. Бола ташқаридаги ўзгаришлар ва яқинлари кайфиятидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни ҳам дарҳол сезади. Ҳар куни жанжаллар, урушларни кузатаётган, гувоҳи бўлаётган гўдак ким бўлиб вояга етишишини тасаввур қилиб кўринг-а?! Аксарият ҳолатларда бундай одамлар доимо хўмрайиб, ташқаридан хавф кутаётган одамдек ҳадиксираб юришади. Одамнинг қиёфаси ота-онасидан ўтса, унинг ифодаси оиладаги муносабатларни акс эттиради. Жанжал ва бир- бирини ёқтирмаслик муҳитида катта бўлган болани келгуси ҳаётида аста-секин фақат бахтсизлик кутади. Ўсмирлик чоғида амалга оширилган жиноятлар замирида

хам гўдаклигида кечирган носоғлом муҳит ётади. Доктор Шиничи Сузуки «Уйга келганингизда фарзандларингизни юзига бир қаранг ва сиз ўз оилавий муносабатларингиз қандайлигини кўрасиз» дейди. Боланинг эрта ривожланиши учун, аввало, оилангизда уйғун, муҳаббат ва ҳурматга асосланган муҳитни ўрнатинг.

Ота ўз боласи билан кўпроқ мулоқотда бўлиши керак.

Катта бўлганимизда кўпчилигимиз оталари билан ўтказган вақтларини хурсанд бўлиб эслайдилар. Менинг катта ўғлим биргаликда қилган нарсаларимизни ҳануз эслайди:

Масалан, денгизда қайиқда сузганимиз, биргаликда ширин қизил ловия еганимиз ва бошқаларни... Бу 30 йил илгари содир бўлган ва мен буларни эслай олмайман. Анъанавий равишда оилада отага авторитар роль берилади. У оилани боққан, тартибни сақлаган ва ҳимоя қилган. Агарда бола отасини кам кўрса ва фақатгина ундан танбеҳ эшитса, касал бўлганда беморга шифокор чақирттирилгандек отасини бегонадек кўради. Албатта, қаттиққўл оталар томонидан тарбияланган баъзи болалар буюк мусиқачи ёки рассом бўлиб етишишади, аммо уларнинг феъл-атвори юмшоқ, бошқаларга буйсинувчан бўлиб қолаверади. Иккинчи томонидан, ота ичиб, доимий равишда хотини ва болаларини уриб, сўкса бундай бола тарбиясиз, жиноятчи бўлиб етишиши ҳеч гап эмас.

Боланинг тарбияси ва таълимидаги етакчи роль онага тегишли.

Аммо бу оталар бола тарбиясида қатнашишлари керакмас, дегани эмас. Оиладаги уйғунликка фақат онанинг ҳаракати билан етишиш мумкин эмас. Яқинда мен автобусда бир оилани кузатдим. Ота, она ва қизалоқ. Уч ёшлар атрофидаги қизалоқ отаси билан тинмай гаплашарди. Онаси эса уларнинг ёнида қандайдир журнални ўқиб турарди. Мен бу қизалоқ ажойиб аёл бўлиб етишишини ўйлаб қолдим. Вақт етишмаслиги, ишдан чарчаб келиш оталарга фарзандлари билан мулоқотга киришишга ҳалақит бермайди.

Бобо ва бувининг борлиги бола ривожига яхши таъсир қилади.

Ёш оила ота-онасидан алоҳида яшаса, бобо ва буви неваралари тарбиясида қатнаша олмайдилар. Кейинчалик уларнинг аралашуви тушунмовчиликларга олиб келади. Афсуски, замонавий ҳаётда бу одатий ҳол. Ҳозир ёшлар қариялар болани эркалатиб юборади, деб ўйлашади. Мен ота-онасининг уйидан кетиб, кичкинагина уйда яшаётган оилани биламан. Улар бобоси билан бувиси болаларига салбий таъсир кўрсатмасин деб шундай қилишган. Албатта, Японияда келинига боласи юзасидан насиҳат қилавериб,

жонига тегадиган қайноналар бор. Аммо бу бобо ва бувининг бола тарбиясидаги аҳамиятини пасайтирмайди. Айнан қариялар фарзандингизга минг йиллик аждодлар мероси, қадриятларни тушунтиради, ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда тарбия бериб, уларнинг ақлли, меҳрибон, оиласи ва ўзгалар дардига шерик бўладиган инсон бўлиб вояга етишишларига ёрдам беради. Болани эркалиштишга ҳар қандай уриниш келажакда муҳаббат, ижобий ҳиссиётлар билан қайтади. Бу эса боланинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Машҳур япониялик олим Сейжи Кайа ўзининг шу даражага етишишига айнан бобоси ва бувисининг тарбияси сабаб бўлганини айтади. Қишлоқ оқсоқоли бўлган бобоси жуда ҳам қаттиққўл бўлиб, йуталиши билан болалар йиғидан тўхтаган. Аммо у жуда ҳам адолатли эди.

Доктор Кайа иродали ва жисмонан кучли бола бўлиб вояга етди. Бувиси эса индамас аёл эди. У доим уй ва дала ишлари билан банд бўлар, ўта камтар ва сабрли инсон эди. Психолог Акира Таго олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун айнан доктор Кайага бобоси ва бувисининг хислатлари ўтган, деб ҳисоблайди.

Давоми кейинги сонда.

Наргис ҚОСИМОВА таржимаси.